

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К.01.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЯНГИБАЕВ АЗИМ ЭШМУРОДОВИЧ

**ИММОБИЛЛАНГАН ОКСИАЗОРЕАГЕНТЛАР ЁРДАМИДА
ҚЎРҒОШИН, СИМОБ ВА КАДМИЙ ИОНЛАРИНИ СОРБЦИОН-
СПЕКТРОСКОПИК АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.02 – Аналитик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
chemical sciences**

Янгибаев Азим Эшмуродович

Иммобилланган оксиазореагентлар ёрдамида кўрғошин, кадмий ва симоб ионларини сорбцион-спектроскопик аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш..... 3

Янгибаев Азим Эшмуродович

Разработка сорбционно-спектроскопических методов определения ионов свинца, ртути и кадмия с использованием иммобилизованных оксиазореагентов..... 21

Yangibaev Azim

Development of sorption-spectroscopic methods for the determination of lead, mercury and cadmium ions by immobilized oxyazoreagents..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К.01.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЯНГИБАЕВ АЗИМ ЭШМУРОДОВИЧ

**ИММОБИЛЛАНГАН ОКСИАЗОРЕАГЕНТЛАР ЁРДАМИДА
ҚЎРҒОШИН, СИМОБ ВА КАДМИЙ ИОНЛАРИНИ СОРБЦИОН-
СПЕКТРОСКОПИК АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.02 – Аналитик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/K7 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ik-kitmo.nuuz.uz) ва «Ziyouet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сманова Зулайхо Асаналиевна
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Султонов Марат Мирзаевич
кимё фанлари доктори, доцент

Тиллайев Санжар Усмонович
кимё фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент фармацевтика институти

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги DSc.03/30.12.2019.K.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «26» август соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871)227-12-24, факс (99824)246-53-21; 246-02-24. e-mail:chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (71 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871)227-12-24, факс (99824)246-53-21; 246-02-24. e-mail: pauka@nuu.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «14» 08 кун тарқатилди.

(2020 йил «14» 08 даги 8 рақамли реестр баённомаси).



Х.Т. Шарипов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д.А. Гафурова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, к.ф.д.

Н.Х.Кутлимуратова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
к.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси (PhD))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё микёсида энг кенг тарқалган антропоген ифлосланиш турларидан бири заҳарли металлларнинг атроф-муҳитга чиқарилиши натижасида унга сезиларли даражада таъсири ортиб бормоқда. Улар атроф-муҳитни асосий ифлослантувчилари ҳисобланади ва уларнинг миқдорини назорат қилиш эса муҳим экологик-таҳлилий вазифадир. Атроф-муҳитнинг турли объектларидаги кадмий, курғошин, симоб ва бошқа ионларни аниқлашда аналитик реагентларни мақсадли синтези асосида замонавий услублар яратиш селективликни, қайта такрорланувчанликни, сезгирликни оширишга имкон беради ва муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда дунёда ультрамикромикдорларини таҳлил қилишга имкон берадиган кўплаб физик ва физик-кимёвий таҳлил усуллари мавжуд ва улар ёрдамида оғир металлларни аниқлаш усулларини ривожлантириш борасида кенг изланишлар олиб борилмоқда. Бироқ, улар ҳар доим ҳам рухсат этилган чегаравий миқдор ва ундан кам даражада аниқлаш имконини берадиган таҳлилнинг зарур сезгирлигини таъминлаб бера олмайди. Бу борада, толасимон ташувчиларга органик реагентларни иммобиллаш орқали, бу жараёнда аналитик ва функционал фаол гуруҳларни иштирок этиш механизмини аниқлаб янги усуллар яратиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Республикамизда сорбцион-спектроскопик усулларни ишлаб чиқишга бўлган зарурат, атроф-муҳит объектларининг ифлосланиш кўрсаткичини ошириш оғир металлларнинг мониторингини олиб боришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, материалларнинг сифатини ҳамда тозалик даражасини назорат қилиш, атроф муҳит объектларининг мониторингини олиб бориш учун берилган аналитик тавсифларга эга бўлган органик реагентларни маҳаллий хом ашё асосида олинган толасимон ташувчиларга мақсадли синтез қилиш ва иммобиллашдан иборат. Шунинг учун ҳам иммобилланган органик реагентлар ва улар ёрдамида металлларни аниқлашда қўлланиши муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада 2017 йил 7 февралдаги ПФ№4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

стратегияси» Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида, 2018 йил 25 октябрдаги №ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорида, 2018 йил 3 октябрдаги №3956-сонли «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорларида ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажарилишига хизмат қилади

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан ўзаро боғлиқлиги. Диссертация VII. Кимё, кимёвий технологиянинг назарий асослари, нанотехнологиялар; устувор йўналишларига мувофиқ бажарилди.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда захарли металлларни аниқлаш учун жуда кўп ишлаб чиқилган усуллар мавжуд, аммо аналитик технологияларни ривожланиши билан янги ёндашувлардан фойдаланишни талаб қиладиган ва элементларни аниқлашнинг сезгирлиги ва ишончлилигини (валидация) оширишга бўлган талаблар, улардан бири иммобилизация қилинган органик реагентлар ишлатиладиган қаттиқ фазали спектроскопик усул кўпаймоқда.

Толали сорбентларга реагентлардан фойдаланиб захарли металлларни аниқлаш долзарблиги сабабли оптик усулларига кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Ю.А. Золотов, С.Б. Саввин, Г.М. Мясоедов ва бошқа муаллифлар томонидан гранулалар ион алмашувчилар билан тўлдирилган полиакрилонитрил толали сорбентларни ҳосил қилиш натижасида олинган қаттиқ фазада иммобилизация қилинган органик реагентлар ёрдамида ноёб-ер, оғир, нодир металлларни аниқлаш учун сорбцион-спектроскопик усулларни ишлаб чиқилган. Ўзбекистонда кимёвий сенсорлар ва элементларни аниқлашнинг тест-усулларини ишлаб чиқиш билан А.М.Геворгян, Э.Абдурахманов, Р.Х.Джиянбаева, Б.Д.Кабулов, М.А.Насимов, И.П.Шестеровалар шуғулланган. Замон талабларга жавоб берадиган аниқлашнинг янги, янада такомиллаштирилган ва замонавий усулларини ишлаб чиқиш жуда муҳимдир.

Диссертация тадқиқотини олий ўқув юртининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф.22.7 «Селектив органик реагентлар синтези» (2012-2016 й), А.12.53 «Атроф муҳит объектларида экотоксикантларни фотометрик ва сорбцион-фотометрик аниқлаш усулларини ишлаб чиқишда полимер ташувчиларга имобилланган реагентлар» (2015-2017 йй) ва ФЗ-20171024243 «Кобальт ва темир ионларини аниқлашда имобилланган азореагентларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ этиш» (2018-2019) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Имобилланган оксиязореагентлар ёрдамида кўрғошин, симоб ва кадмий ионларини сорбцион-спектроскопик аниқлаш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

имобилланган реагентни олиш механизмини ва уларнинг физик-кимёвий ва сорбцион-аналитик хусусиятларини аниқлаш;

кўрғошин, симоб ва кадмий ионлари билан танлаб таъсир қиладиган реагентларнинг устувор функционал гуруҳларини аниқлаш;

органик реагентларни имобиллашнинг ва симоб, кўрғошин ва кадмий билан комплекс ҳосил бўлишнинг оптимал шароитларини ва аналитик хоссаларини аниқлаш;

квант кимёвий ҳисоблаш ва ИҚ-, электрон спектроскопик усуллари билан комплекс ҳосил бўлиш константалари ва механизмини аниқлаш;

кўрғошин, кадмий ва симоб ионларини РЭЧМ ва ундан паст даражаларда сорбцион-спектроскопик аниқлаш усулини ишлаб чиқиш ва реал объектларга қўллаш.

Тадқиқот объекти оқава сувлар, ер усти ва ичимлик сувидаги ҳамда бошқа атроф-муҳит объектлари саналади.

Тадқиқот предмети захарли бўлган металлар кўрғошин, кадмий ва симоб ионлари ва уларнинг бирикмалари ҳамда ПАН толаси асосида имобилизация қилинган сорбентлар ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. ИҚ-спектроскопия ва нур қайтариш спектроскопик анализ усуллари, потенциометрик титрлаш, элементлар таҳлили, электрон спектроскопия ёрдамида аниқлаш, сорбция, фотоколориметрик ва бошқа усуллар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

функционал ва аналитик-фаол гуруҳлар тузилишига боғлиқ ҳолда органик реагентларни имобиллашнинг аналитик тавсифлари аниқланган;

имобилланган реагентларни кўрғошин, кадмий ва симоб ионлари билан кимёвий аналитик хоссаларига асосланган таъсирлашиш механизми, функционал-фаол гуруҳларнинг жойлашишига ва ион ва координацион боғларнинг характерига боғлиқлиги исботланган;

кўрғошин, кадмий ва симобнинг ионларга ҳалақит берадиган бирга учрайдиган катионлар ва анионларни таъсири топилган;

кўрғошин, кадмий ва симоб ионларини имобилланган органик реагентлар ёрдамида сорбцион-спектрофотометрик аниқлаш янги усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Синтез қилинган органик реагентларни: 1-(2-пиридилазо)-2-оксинафталин-6-сульфокислый натрий (ПАР-тузи), N-метиланабазин- α -азо-1,8-аминонафтол-4,8-дисульфокислота (МАК кислота), 1-(4-антипирилазо)-2-нафтол сульфо натрийли тузи (ААН-S) толали сорбентларга имобиллашнинг оптимал шароитлари аниқланган;

кўрғошин, кадмий ва симоб ионларини иммобилланган органик реагентлар (ПАР-тузи, МАК кислота, ААН-S) билан аниқлашда ишлаб чиқилган сорбцион-фотометрик усулини қуйи аниқланиш чегараси ва танлаб таъсир этувчанлиги фотометрик усулга нисбатан яхшиланганлиги топилган;

кўрғошин, кадмий ва симоб ионларини иммобилланган органик реагентлар билан сорбцион-фотометрик усулида турли атроф-муҳит объектлари (рудалар, оқава ва ичимлик сувлари, тупроқ) таркибидан аниқлаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган натижаларни «киритилди-топилди», «стандарт намуналар», «қўшимчалар қўшиш», квант-кимёвий ҳисоблашлар ва бошқа усуллар билан тасдиқланганлиги, атроф-муҳит объектларининг реал намуналари стандарт усуллари билан солиштирилган ва математик статистик усулларида қайта ишланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти синтез қилинган 1-(2-пиридилазо)-2-оксинафталин-дисульфо натрийли тузи, N-метиланабазин- α -азо-1,8-аминонафтол-4,8-дисульфокислота ва 1-(4-антипирилазо)-2-нафтол сульфо натрийли тузи реагентларини полимер ташувчиларга иммобиллашнинг оптимал шароитлари топилган, уларни кўрғошин, кадмий ва симоб ионларига селектив таъсирини ошириш имкониятлари кўрсатиб берилган, бегона халақит берадиган ионларнинг таъсири камайтирилган, шунингдек, реагентларнинг иммобилланиши ҳисобига кўрғошин, кадмий ва симоб ионларини аниқлашнинг аналитик тавсифларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти кўрғошин, кадмий ва симоб ионларини аниқлашнинг сорбцион-фотометрик усуллариининг атроф муҳит объектлари анализида қўлланилиши аналитик кимёнинг ва экологиянинг муаммоларини ечишга хизмат қилади ва захарли металлларни тезкор усуллариини ишлаб чиқиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Атроф муҳит объектларида кўрғошин, кадмий ва симоб ионларини аниқлаш ва ажратиб олишнинг янги сорбцион-фотометрик усулини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

иммобилланган органик реагентлар ёрдамида кўрғошин ва кадмий ионларини аниқлашнинг сорбцион-фотометрик усули Олмалик КМК амалиётига жорий қилинган (Олмалик КМКнинг 2021 йил 27 январдаги 73/1-478-сон маълумотномаси). Натижада тупроқ ва чиқинди сувларда кўрғошин, кадмийларни тезкор аниқлаш имконини берган;

Кўрғошин, кадмий ва симоб ионларини аниқлашнинг сорбцион-фотометрик усули «Дехқонобод калийли ўғитлар заводи» МЧЖ амалиётга жорий этилган («Дехқонобод калийли ўғитлар заводи» МЧЖ 2017 йил 08 сентябрдаги 778/09-3-сон маълумотномаси). Натижада саноат чиқиндилари таркибидаги кўрғошин, кадмий ва симоб ионларини аниқлашнинг усуллариини ишлаб чиқиш имкониятини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 10 та, жумладан, 4 та халқаро ва 6 та Республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларида 7 та, жумладан, 4 та республика ва 3 та халқаро журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ҳамда предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини жорий этиш рўйхати, ишнинг нашр этилганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қўрғошин, кадмий ва симоб ионларини аниқлашнинг физик кимёвий усуллари»** номли биринчи бобида қўрғошин, кадмий ва симоб ионларининг инсон организмига токсикологик таъсири, физик кимёвий усуллар ёрдамида уларни аниқлаш, иммобиллаш учун ишлатиладиган баъзи ташувчиларнинг тавсифлари, табиатига кўра турлича бўлган сорбентлардан фойдаланиш, уларни сорбцион-спектроскопик усулларда қўлланилиши бўйича мавжуд маълумотларнинг таҳлили келтирилган.




Атроф муҳит объектларда иммобилланган реагентлар ёрдамида оғир заҳарли металлларни аниқлаш натижалари тизимлаштирилди. Қўрғошин, кадмий ва симоб ионларини аниқлаш учун синтез қилинган органик реагентларнинг толасимон сорбентларга иммобилланиши ўрганилмаганлиги ва илк бор бу ишлар бажарилганлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг **«Қўрғошин, кадмий ва симоб ионларини аниқлаш услублари, ишлатилган асбоблар, материаллар, реактивлар»** номли иккинчи бобида материаллар, асбоблар ва тадқиқот усуллари, симоб, қўрғошин ва кадмий ионларини ишлатиладиган стандарт ва ишчи эритмаларини ҳамда реагентларни тайёрлаш ва стандартлаш усуллари, буфер эритмаларни тайёрлаш усуллари келтирилган. Органик реагентларни толали сорбентларга иммобиллаш, сорбцион ҳамда десорбция хоссалари, ҳисоблаш усуллари ва олинган натижаларни қайта ишлаш келтирилган. Ишни бажаришда органик реагентларни танлаб олиш учун турли хил пиридин, анабазин асосидаги бирикмалар олинган. Уларни қўрғошин, кадмий ва симоб

ионлари билан комплекс ҳосил қилиши ўрганилган ҳамда контрастлик, селективлик бўйича фарқи катта бўлган реагентлар танлаб олинган. Синтез қилинган органик азореагентларнинг структуравий формуллари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ишлатиладиган реагентларни асосий тавсифлари

1.	N-метиланабазин- α -азо-1,8-аминонафтол-4,8-дисульфо кислота	$C_{21}H_{22}O_7S_2N_4$		506,23	МАК
2.	1-(2-пиридилазо)-2-оксинафталин-дисульфо натрийли тузи	$C_{17}H_{21}O_7S_2N_3Na_2$		489	ПАР-тузи
3.	1-(4-антипирилазо)-2-нафтол сульфо натрийли тузи	$C_{23}H_{17}O_5N_4Na$		452,0	ААН-S

Диссертациянинг «Органик реагентларни толаларга иммобиллашнинг оптимал шароитларини танлаш» номли учинчи бобида юқорида келтирилган органик реагентларни маҳаллий хомашёдан синтез қилинган модификацияланган ПАН сорбентга (СМА-1, СМА-2, СМА-3) иммобилланган органик реагентларнинг физик-кимёвий хоссалари ўрганилди. Реагентни ташувчиларга иммобилланишининг оптимал шароитлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Органик реагентларни иммобилланишининг оптимал шароитлари (m_H=0,2 гр.)

Реагент	Ташувчи	pH	Буфер аралашма ҳажми, мл	Ютилиш максимуми, нм	Вақт, мин.
МАК	СМА-1	3,0 – 5,0	2,00	540	7
ПАР-тузи		3,5 – 5,5	4,00	590	10
ААН-S		3,0 – 6,0	3,00	540	12

Ўрганилган реагентларнинг турли хил ФФГ ва АФГ таъсири ўрганилган вақтда аниқландики, СМА-1 толасига органик реагентлар

иммобилланганда ҳам функционал фаол гуруҳлар ўзининг танлаб таъсир этувчанлик хусусиятларини сақлаб қолади. Улар ИҚ- ва квант кимёвий хисоблашлар ёрдамида аниқланди ва олинган натижалар қуйидаги жадвалда келтирилди.


3-жадвал

Реагент МАҚнинг характеристик частоталари ва уларни ИҚ-спектрларда акс этиши (см⁻¹)


Бирикма	N-SO ₂ H	ν-N=N-	ν-OH	ν _{CN}	N-NH
ПАН тола	-	-	-	2244	3422
ПАР-туз	1274, 1161	1620, 1590	3398	2241	
СМА-1 – ПАР-туз	1214, 1180	1647, 1549	3279	2243	2530
СМА-1–МАК	1265	1656	3523	2244	
СМА-1–ААН-S	1243	1650	3485	2244	2860

Бошланғич ва иммобилланган реагентларни спектрларини солиштириш натижаларига кўра, иммобилланган ва бошланғич реагентларда комплекс ҳосил бўлишига жавоб берадиган функционал фаол гуруҳлар ўхшаш, улар иммобилланган ҳолатда ҳам структурасини сақланиб қолиши ҳамда иммобилланишда сульфогруруҳлар қатнашиши кўрсатиб берилди.

Диссертациянинг «Иммобилланган реагентлар билан қўрғошин симоб ва кадмий ионларини комплекс ҳосил бўлишининг оптимал шароитларини танлаш» номли тўртинчи бобида иммобилланган органик реагентларнинг қўрғошин, кадмий ҳамда симоб ионлари билан комплекс ҳосил бўлишига нур ютиш тўлқин узунлигининг, эритма кислоталигининг, температуранинг ва вақтнинг таъсирлари ўрганилди.




1-расм. ПАР тузи реагентини ва унинг Cd²⁺ билан ҳосил қилган комплексининг ютилиш спектрлари



2-расм. МАК тузи ва унинг симоб билан комплексининг ютилиш спектрлари


Келтирилган ютилиш спектрлари бўйича ПАР тузининг Cd^{2+} иони билан ҳосил қилган комплексининг максимал нур ютилиш соҳаси 650 нм да ПАР тузининг нур ютилиши эса 590 нм, МАК кислотанинг Hg^{2+} билан берилган комплексининг максимал нур ютилиш соҳаси 670 нм да МАК кислота реагентининг нур ютилиши эса 540 нм да, ААН-S реагенти Pb^{2+} иони билан ҳосил қилган комплексининг максимал нур ютилиш соҳаси 660 нм да ААН-S тузининг нур ютилиши эса 540 нм кузатилди.



Юқоридаги маълумотлардан, симоб (II) иони МАК реагенти билан pH 4.0 да, кадмий (II) иони ПАР тузи билан pH 6.0 да, қўрғошин (II) иони ААН-S реагенти билан pH 3.5 га тенг бўлган оптимал шароитда комплекс бирикмалар ҳосил қилди.


Реагентларнинг нур ютилиш ва қайтарилиш спектрларининг таҳлили шуни кўрсатадики (1-3 расм), нур ютилиш ва қайтарилиш спектрларида

Ўхшашлик кузатилади. Ёруғликнинг ютилиш максимумларини батохром силжиши, реагентларни турли муҳитларда турлича диссоциланиши билан боғлиқ эканлиги асосланди. Симоб, қўрғошин ва кадмий ионларини аниқлаш учун реакцияни кучли ҳамда кучсиз кислотали муҳитда олиб бориш лозим, чунки бошқа муҳитларда қайтмас жараёнлар кечади ва натижада керакли аналитик сигнал олиш имконияти бўлмайди.




4-расм. Қўрғошин, кадмий ва симоб ионларининг ИМОР билан ўзаро таъсирининг вақтга боғлиқлиги графиги

Нур қайтариш ва ютилиш спектрларининг энг яхши натижаларини СМА-1 толага иммобилланган МАК-кислота беради, бу унинг функционал гуруҳлари билан ташувчининг гуруҳлари ўртасидаги кимёвий боғ ҳисобига амалга оширилади. Ўрганилган ПАР-тузи ва МАК, ААН-S реагентларнинг сульфогуруҳи сорбентларнинг ионланган аминогуруҳлари билан қуйидаги схема бўйича реакцияга киришиши аниқланди:



Таклиф этилган схема бўйича реакциянинг боришига иммобилланган системалардаги ИҚ-спектрларнинг ютилиш чизиқларини силжиши кўрсатади, улар бу реакцияда иштирок этаётган сорбентларнинг ФФГ ва иммобилланган реагентларга тегишли.




5-расм. Қўрғошин, кадмий ва симоб ионларининг ИМОР билан нур қайтариш спектрлари

Иммобилланган реагентларнинг ва уларнинг металл ионлари билан комплексларининг тузилишини ўрганишдаги электрон ва ИҚ-спектроскопик таҳлил натижалари реакциянинг ушбу механизмини исботлаб берди.


Квант-кимёвий усуллар (PM-3, МНДО ва PM-7 усуллари) ёрдамида реагентларнинг электрон зичликларини максимумлари ҳисоблаб топилди. Бу

усуллардан фойдаланган ҳолда, кислотали муҳитда реагентларнинг протонланиши натижасида электрон жуфтнинг электростатик тортилиши ҳисобига координацион боғ ҳосил бўлади. Имобиллаш учун танлаб олинган реагент бир нечта потенциал марказлар тутган бўлади, улар азот, кислород атомларида концентрланган бўлади, улар металл ионларига юқори электростатик тортилишга эга.

Квант-кимёвий ҳисоблаш усуллар ёрдамида бажарилган ва улар асосида реакция қобилияти юқори бўлган энг фаол донор атомларнинг самарали зарядлари ва реагентларнинг молекулаларида донор марказларнинг электрон зичликларини тақсимланиш тавсифлари топилди.




Расм 6. Имобилланган МАК кислота реагентининг ИК-спектри



Расм 7. СМА-1 толасига имобилланган МАК реагентини кадмий ионини билан комплексининг ИК-спектри


Қўрғошин, кадмий ва симоб ионларини имобилланган ПАР тузи, МАК ва ААН-S билан комплексларининг тузилиши, уларни ташувчига имобилланиш механизми ИҚ-спектрларнинг натижаларидан аниқланди. Реагентларнинг ва уларнинг металл ионлари билан комплексларини ИҚ-спектрлари Avatar-300 асбобида 400 – 4000 cm^{-1} частотаталар интервалида олинган (расм 6,7).

Кўрғошин, кадмий ва симоб ни иммобилланган МАК, ПАР-тузи ва ААН-S билан комплексларининг тузилиши ИҚ-спектрларидан олинган натижалар асосида тахминий тузилиш формуллари тузилди (8-расм).



8-расм. ПАР, МАК ва ААН-S реагентларининг кўрғошин, кадмий ва симоб ионлари билан ҳосил қилган комплексларининг тахминий тузилиши.

ПАР, МАК ва ААН-S реагентларининг кўрғошин, кадмий ва симоб ионлари билан ҳосил қилган комплексларининг барқарорлик константалари Толмачев усули ёрдамида аниқланди ва 9-расмда келтирилди.



9- расм. Ҳосил бўлган комплексларининг барқарорлик константасини Толмачев усулида топиш: а) Кадмий ионининг ИМПАР билан; б) Симоб (II) ионининг ИММАК; в) Кўрғошин ионининг ИМААН-S реагенти билан.

Барқарорлик константаларини ортиб бориш қатори яратилди.

4-жадвал


Иммобилланган реагент ва металл иони билан комплексларнинг спектроскопик тавсифлари ва шартли барқарорлик константалари

Комплекс таркибий нисбати	компонентларни моляр нисбати Ме:R			$E_{\text{хак}} \cdot 10^4$	$pK_{\text{бек}} (-\lg \beta)$
	изомоляр сериялар усули	Тўйиниш усули	Асмус усули		
Hg(II):ИММАК	-	1:2	1:2	7,7	6,81
Pb (II):ИМААН-S	1:1	1:1	1:1	6,2	6,55
Cd ИМПАР тузи	1:	1:2	1:2	7,1	6,35

Қуйидаги $Hg < Cd < Pb$ кетма-кетлик бўйича комплекс бирикмаларнинг барқарорлик константалари ошиб бориш қатори топилди: $1,55 \cdot 10^6 < 2,8 \cdot 10^6 < 4,46 \cdot 10^6$. Комплекс бирикманинг таркибий қисми изомоляр қатор, тўйиниш, Асмус ва изобестик нукта усуллари билан эритмада аниқланди.

Юқоридаги маълумотлардан кўринадики, симоб, кадмий кўрғошиннинг ҳосил қилган комплекс бирикмаларини барқарорликлари, моляр сўндириш коэффицентлари қийматини ортиб бориши органик реагент таркибилади ФФГ ларнинг АФГ ларнинг табиатига боғлиқ.

Ишлаб чиқилган усулнинг аниқлигини баҳолаш мақсадида кўрғошин, симоб ва кадмий ионларини имобилланган реагентлар ёрдамида аниқлашнинг оптималлаштирилган шароитларида градуировка графиклари тузилди (8-расм). Расмдан кўринадики, градуировкали графикда тўғри чизиқли боғланиш симоб миқдорининг 7-80 мкг, кадмийники 5-100 мкг, кўрғошиники 2-70 мкг миқдорларига тўғри келади, бу эса аниқланаётган ионларни атроф муҳит объектларидан аниқлаш учун етарли катталик ҳисобланади. Корреляция коэффицентининг 1 га яқинлиги ишлаб чиқилган усулни юқори аниқлигини исботлайди.



10-расм. Имобилланган МАК, ПАР тузи ва ААН ёрдамида мос равишда кўрғошин, кадмий ва симоб ионларини аниқлашнинг градуировкали графиклари

Ишлаб чиқилган усулнинг танлаб таъсир этувчанлигини аниқлаш учун металл ионларини аниқлашга ҳалақит берадиган бегона ионлар таъсири ўрганилди. Кадмий ионларини аниқлашда Fe^{3+} (1:2) Cu^{2+} , Pb^{2+} , Hg^{2+} , J^- $S_2O_3^{2-}$ F^- ҳалақит беради, Na^+ , K^+ , J^- , Ca^{2+} (1:1000), Br^- (1:500), Si^{4+} , Zn^{2+} , Cl^- , CN^- , цитрат (1:100) ионларни таъсири сезилмайди.

Симоб ионларини аниқлаш учун K^+ Na^+ Al , SO_4^{2-} катта миқдорларда ҳам ҳалақит бермайди. Cd^{2+} , Fe^{3+} , Fe^{2+} , Co^{2+} , ЭДТА, аммоний тартарат, цитрат, CN^- , SO_3^{2-} ионлари ҳалақит бериши кузатилди. Cu^{2+} (1:1), NH_4^+ (1:1), Pb^{2+} (1:1), Ba^{2+} (1:10), I^- (1:5), NO_2^- (1:50), Cl^- (1:100), CH_3COO^- (1:250) ионлари белгилаб келтирилган миқдорда таъсири сезилмайди.

Қўрғошин ионларини аниқлаш учун K^+ Na^+ Al , SO_4^{2-} кўп миқдорларда ҳам ҳалақит бермайди. Cd^{2+} Fe^{3+} Fe^{2+} Co^{2+} ЭДТА, аммоний тартарат, цитрат, CN^- , SO_3^{2-} ионлари ҳалақит бериши кузатилди. Cu^{2+} (1:1), NH_4 (1:1), Ba^{2+} (1:10), I (1:5), NO_2 (1:50), Cl (1:100), CH_3COO^- (1:250) белгилаб келтирилган миқдордан ортиқ бўлганда ҳалақит беради. Бу ионлари коловчи реагентлар ёрдамида ҳалақит беришини бартараф этилади.

Кадмий, симоб ва қўрғошин ионларини аниқлашнинг танловчанлиги сорбцион-фотометрик усулда фотометрик усулга нисбатан юқори, ташувчи ва эритмадаги реакцияларда ўхшашлик кузатилган. МАК билан кадмийни аниқлашда фойдаланишда фақат темир ва мис ионлари ҳалақит беради. Темир ва бошқа осон гидролизланадиган ионларни эритмага ЭДТА ва тартратлар билан қопланади.

Диссертациянинг «Ишлаб чиқилган қўрғошин, кадмий ва симоб ионларини аниқлашнинг сорбцион-спектроскопик усуллари аналитик қўлланилиши» номли бешинчи бобида бу ионларни сорбцион-спектрофотометрик аниқлаш усуллари ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар келтирилган. Бу усуллар бинар учламчи ва мураккаб модел аралашмалар ва реал объектларнинг таҳлилида қўлланилган.

Кадмий, симоб ва қўрғошин ионларини индивидуал эритмаларда аниқлаш учун «киритилди-топилди» усулидан фойдаланилди, олинган натижалар киритилган миқдорларга мос келади, нисбий стандарт четланиш 0,33 дан ошмайди. Бу ишлаб чиқилган усулларни тўғрилиги аниқлиги ва қайта тикланувчанлигини кўрсатади.

Ишлаб чиқилган сорбцион-спектрофотометрик усулларни қўрғошин, кадмий ва симоб ионларини реал объектларда аниқлашда қўллаш имкониятларини топиш учун сунъий иккиламчи, учламчи ва мураккаб модел аралашмалар тайёрланди. Қўрғошин, кадмий ва симоб ионларини индивидуал ва сунъий аралашмалар ва реал объектларда аниқлаш натижалари 5- ва 6-жадвалларда келтирилган.

5-жадвал

Кадмий ионини ИМПАР реагенти билан индивидуал эритмаларида сорбцион-спектрофотометрик аниқлаш натижалари (P=0,95)

Киритилган кадмий, мкг	Топилган кадмий, мкг (P=0,95; $\bar{x} \pm \Delta X$)	n	S	Sr
0,76	0,79 ± 0,12	4	0,08	0,101
1,52	1,48 ± 0,14	4	0,09	0,061
3,04	3,07 ± 0,13	5	0,11	0,036
6,08	6,19 ± 0,15	5	0,12	0,019
12,16	12,05 ± 0,21	4	0,13	0,011
24,32	24,29 ± 0,18	5	0,15	0,006

Қўрғошин, кадмий ва симоб ионларини аниқлашнинг ишлаб чиқилган усуллари табиий объектларнинг реал намуналари таҳлилида қўлланилган.

Тадқиқотлар асосида қўрғошин, кадмий ва симоб ионларини аниқлашнинг ишлаб чиқилган янги сорбцион-спектроскопик усуллари реал объектлар таҳлилида қўллаш мумкинлиги кўрсатиб берилди.

6-жадвал

Симоб(II) ионини ИММАК реагенти билан бинар, учламчи ва мураккаб аралашмаларда аниқлаш натижалари (P=0,95; n=5)

Анализ қилинадиган аралашма таркиби, мкг	Топилган Hg, мкг ($\bar{x} \pm \Delta x$)	S	S _r
Hg(1,0)+Pb(2,0)	1,02 ± 0,22	0,09	0,086
Hg(1,0)+Cu(5,0)+Cr(15,0)	0,940 ± 0,223	0,09	0,099
Hg(2,0)+Fe(50,0)+Ni(50,0)	1,96 ± 0,18	0,16	0,081
Hg(1,0)+Cd(30,0)+Pb(5,0)+Cu(10,0)	1,00 ± 0,26	0,11	0,107
Hg(3,0)+Cu(20,0)+Mn(10,0)+Fe(15,0)	2,90 ± 0,29	0,25	0,086
Hg(0,5)+Cr(50,0)+Pb(1,0)+Cd(30,0)	0,480 ± 0,223	0,05	0,104
Hg(1,0)+Ni(30,0)+Cu(0,5)+Zn(10,0)+Cd(5,0)	0,990 ± 0,302	0,12	0,120

7-жавдал

Кадмий ионини ИМПАР реагенти билан турли тупроқ намуналарида аниқлаш натижалари (P = 0,95)

№	Топилди Cd, мкг/кг ($\bar{x} \pm \Delta X$)	n	S	S _r
1	0,75±0,12	5	0,09	0,120
2	1,53±0,16	4	0,10	0,065
3	2,81±0,09	5	0,07	0,025
4	3,31±0,10	4	0,06	0,018
5	4,12±0,06	5	0,05	0,012
6	5,76±0,05	4	0,03	0,005

Кадмий ионини иммобилланган ПАР реагенти билан аниқлашнинг сорбцион-спектрофотометрик усулини қўлланилиши бўйича олинган натижаларнинг тўғрилиги ва қайта такрорланувчанлиги «қўшимчалар қўшиш» усулида реал намуналарида сув анализи орқали исботланди. Олинган натижалар 8-жадвалда келтирилди.

8-жадвал

**Кадмий ионини ИМПАР реагенти билан аниқлаш усулини сув
анализига қўлланилиши (P = 0,95)**

Намуна номи	топилди кадмий, мкг/дм ³ ($\bar{x} \pm \Delta X$)	n	S	S _r
Чирчиқ дарёси	1,21±0,09	5	0,11	0,090
Ангрен дарёси	0,94±0,11	4	0,07	0,074
Амударё	0,89±0,10	5	0,08	0,089
Сурхондарё дарёси	0,78±0,09	4	0,06	0,077

Ишлаб чиқилган сорбцион-спектрофотометрик усуллар адабиётларда келтирилган, саноатда қўлланиладиган усуллар билан солиштирилди ва уларнинг рақобатбардошлилиги кўрсатиб берилди.

9-жадвал

**Қўрғошин ионини ААН-S реагенти ёрдамида табиий сувларда қўшимча
қўшиш усулида аниқлаш натижалари
(V_{нам.}=500 см³, рН=3,60, λ_{max}=540 нм, l=1см, n=5, P=0,95)**

№	Объектлар	Pb ²⁺			
		ДавСТ усул*		Ишлаб чиқилган усул	
		%	S _r	%	S _r
1	Тошкент ТТС №518	1,25	0,0036	1,20	0,0044
2	Ангрен П-2	3,75	0,0044	3,64	0,0046
3	Охангарон П-42	1,76	0,0024	1,62	0,0036
4	Шимолий Сурхондарё	1,22	0,0018	1,16	0,0050
5	Китоб-Шаҳрисабз	1,18	0,0032	1,14	0,0024

*-атом-абсорбцион усул

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики (жадв.9), қўрғошинни аниқлашда ишлаб чиқилган ва фотометрик (стандартланган) усулларнинг натижаларининг корреляцияси кузатилган.

ХУЛОСА

1. 1-(2-пиридилазо)-2-оксинафталин-6-сульфо натрий, N-метиланабазин- α -азо-1,8-аминонафтол-4,8-дисульфокислота, 1-(4-антипирилазо)-2-нафтол сульфокислоталар кўрғошин, кадмий ва симоб ионлари учун аналитик реагентлар сифатида таклиф этилди.

2. Кўрғошин, кадмий ва симоб ионларини иммобилланган органик реагентлар ёрдамида аниқлашнинг мақбул шароитлари топилди. Реагентларнинг квант-кимевий ва электрон спектроскопик усуллари ёрдамида реакция марказлари аниқланди ва толали сорбентга органик реагентларни иммобиллашда $-\text{SO}_3\text{H}$, металл ионлари билан комплекс ҳосил бўлишида эса $-\text{OH}$ ва $-\text{N}=\text{N}-$ иштирок этиши исботланди.

3. Кўрғошин, кадмий ва симоб ионлари толага иммобилланган реагентлар билан ҳосил қилган комплексларининг тузилиши ИҚ ва электрон спектроскопия усули билан ўрганилди, ташувчида комплекснинг таркиби изомерия сериялар ва Асмуснинг тўғри чизиқли усуллари ёрдамида $\text{Me}:\text{R}=1:1$ эканлигини аниқланди.

4. Кўрғошин, кадмий ва симоб ионларини иммобилланган органик реагентлар ёрдамида сорбцион-фотометрик аниқлаш усули ишлаб чиқилди ва мураккаб аралашмалар анализига қўллашга тавсия этилди.

5. Ишлаб чиқилган сорбцион-спектрофотометрик анализ усулини кўрғошин, кадмий ва симоб ионларини аниқлашда «ОКМК» рух цехида, «Дехконобод калийли ўғитлар заводи» кимё лабораторияларида синовдан ўтди ҳамда амалиётга қўллашга тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.К.01.03
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ЯНГИБАЕВ АЗИМ ЭШМУРОДОВИЧ

**РАЗРАБОТКА СОБЦИОННО-СПЕКТРОСКОПИЧЕСКИХ МЕТОДОВ
ОПРЕДЕЛЕНИЯ ИОНОВ СВИНЦА, РТУТИ И КАДМИЯ С
ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ИММОБИЛИЗОВАННЫХ
ОКСИАЗОРЕАГЕНТОВ**

02.00.02-Аналитическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тошкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.1.PhD/K7

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу Научного совета ik-kimyo.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNET» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель

Сманова Зулайто Асаналиевна,
Доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Султонов Марат Мирзаевич
Доктор химических наук, доцент

Тиллайев Санжар Усмонович
Кандидат химических наук, доцент

Ведущая организация

Ташкентский фармацевтический институт

Защита диссертации состоится «26» август 2021 г. в 12⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.K01.03 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская, 4, Тел.: (99871)246-07-88, (99871)277-12-24; факс: (99871) 246-53-21. e-mail: chem0102@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана за № 71 100174, Ташкент, ул. Университетская 4, Тел.: (99871)246-67-71).

Автореферат диссертации разослан «14» 08 2021 г.
(протокол рассылки № 8 от 14 августа 2021 г.)



Асанов Х.Т.Шарипов

Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.х.н., профессор

Д.А.Гафурова

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней, д.х.н.

Н.Кутлимуродова

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению учёных степеней,
д.х.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ. Аннотация диссертации доктора философии (PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Одним из наиболее распространенных видов антропогенного загрязнения в мире является выброс токсичных металлов в окружающую среду, что приводит к значительному усилению его влияния. Они являются основными загрязнителями окружающей среды и контроль их количества является важной эколого-аналитической задачей. Создание современных методов, основанных на целенаправленном синтезе аналитических реагентов при идентификации ионов кадмия, свинца, ртути и других в различных объектах окружающей среды, позволяет повысить селективность, воспроизводимость, чувствительность и является важным.

Сегодня в мире существует множество физических и химических методов анализа, позволяющих проводить анализ ультрамикромножеств, с помощью которых проводятся обширные исследования по разработке методов обнаружения тяжелых металлов. Однако они не всегда могут обеспечить необходимую чувствительность анализа, что позволяет определить предельно допустимую концентрацию и в меньшей степени. В связи с этим важно создать новые методы иммобилизации органических реагентов на волокнистые носители, выявить аналитические и функциональные активные группы, участвующие в этом процессе.

В нашей республике большое внимание уделяется мониторингу тяжелых металлов в связи с необходимостью создания сорбционно-спектроскопических методов, увеличением показателя загрязнения объектов окружающей среды. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены задачи «по дальнейшей модернизации и диверсификации промышленности путем перевода высокотехнологичных перерабатывающих отраслей, в первую очередь, производства готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки местного сырья на новый уровень с точки зрения качества. В связи с этим для контроля качества и степени чистоты материалов, мониторинга природных объектов на основе местного сырья проводится синтез и иммобилизация органических реагентов, обладающих необходимыми аналитическими характеристиками. Поэтому важно применять иммобилизованные органические реагенты и их использование при определении металлов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан»¹ в 2017-2021 годах, Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической

¹Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

промышленности Республики Узбекистан», №-3956 от 3 октября 2018 года «Охрана окружающей среды», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии Республики. Диссертация выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий в республике: VII. Химия, теоретические основы химической технологии, нанотехнологии; XII. Новые технологии получения органических, неорганических, полимерных и других естественных материалов.

Степень изученности проблемы. На сегодняшний день разработано множество методов обнаружения токсичных металлов, но с развитием аналитических технологий, которые требуют применения новых подходов, возрастают и требования к повышению чувствительности и надежности (валидации) обнаружения элементов, одним из которых является твердофазный спектроскопический метод, в котором используются иммобилизованные органические реагенты.

В связи с актуальностью применения волоконных сорбентов для обнаружения токсичных металлов с использованием иммобилизованных реагентов всё большее внимание уделяется оптическим методам. Ю.А. Золотов, С.Б. Саввин, Г.М. Мясоедов и другие авторы разработали сорбционно-спектроскопические методы обнаружения редкоземельных, тяжелых, редких металлов с использованием иммобилизованных органических реагентов в твердой фазе, полученных в результате образования сорбентов из полиакрилонитрильных волокон, заполненных гранулированными ионообменниками. Развитие методов обнаружения токсичных металлов химическими датчиками и тест-методами в Узбекистане занимались А.М. Геворгян, Е.Абдурахманов, Р.Х. Джиянбаева, Б.Д. Кабулов, М.А. Насимов, И.П. Шестерова. В настоящее время назрела необходимость разработки новых, более усовершенствованных и современных методов обнаружения отвечающих современным требованиям времени очень актуальна.

